

**БУХОРОНИНГ АЙРИМ ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАРИ  
ЭТНОБОТАНИКАСИ****Эшонкулов Алижон Хайдарович***Бухоро давлат тиббиёт институти Биокимё кафедраси ассистенти*

**Аннотация:** Бухоронинг иссиқ ва қуруқ ўзига хос иқлим шароитида маҳаллий аҳоли томонидан доривор ва озикбоп ўсимликларнинг этноботаник хусусиятлари тўғрисида маълумотлар келтирилди. Мазкур ўсимликлардан маҳаллий аҳоли қадимда ва ҳозирги вақтда озик овқат ва табиий дори воситалари сифатида фойдаланишган. Тадқиқот натижасида доривор ўсимликларнинг озик-овқатда фойдаланилиши тўғрисидаги маълумотлар Бухоро шаҳри ва вилоятнинг қишлоқ аҳолиси, уй бекалари ва ёши кекса инсонлари билан суҳбатлашиши асосида тўпланди. Бугунги давр талабидан келиб чиқиб шуни таъкидлаш жоизки, табиий ҳолда ўсадиган доривор ўсимликларнинг озукбоп ва дориворлик жиҳатларини, илмий ва амалий аҳамияти ўрганиши, уларни анъанавий тиббиётда қўллаш имкониятни белгилайди.

**Калит сўзлар:** Бухоро, этноботаника, оила, тур, туркум, флора, халқ табобати, маҳаллий, тадқиқот.

**ЭТНОБОТАНИКА НЕКОТОРЫХ ЛЕКАРСТВЕННЫХ РАСТЕНИЙ  
БУХАРЫ.****Эшонкулов Алижон Хайдарович ассистент***кафедры Биологической химии Бухарского государственного медицинского института.*

**Аннотация:** Сведения об этноботанических характеристиках лекарственных и пищевых растений были предоставлены местными жителями в условиях жаркого и сухого специфического климата Бухары. Эти растения использовались местным населением в древние времена, а также в настоящее время в качестве продуктов питания и натуральных лекарств. В результате исследования собрана информация об использовании лекарственных растений в пищу на основе интервью с сельскими жителями, домохозяйками и пожилыми людьми города Бухары и области. Исходя из требований сегодняшнего дня, следует отметить, что изучение пищевых и лечебных аспектов, научного и практического значения естественно произрастающих лекарственных растений определяет возможность их использования в народной медицине.

**Ключевые слова:** Бухара, этноботаника, семейство, вид, род, флора, народная медицина, чабан, целитель, настойка.

**ETHNOBOTANY OF SOME MEDICINAL PLANTS OF BUKHARA.**

Eshonkulov Alijon Haydarovich

*Bukhara State Medical Institute assistant at the Department of Biochemistry*

**Abstract:** *Information about the ethnobotanical characteristics of medicinal and food plants was provided by local residents in the hot and dry specific climate of Bukhara. These plants were used by the local population in ancient times, as well as nowadays as food and natural medicines. As a result of the study, information was collected on the use of medicinal plants in food based on interviews with villagers, housewives and elderly people of the city of Bukhara and the region. Based on the requirements of today, it should be noted that the study of nutritional and medicinal aspects, scientific and practical significance of naturally growing medicinal plants determines the possibility of their use in folk medicine.*

**Keywords:** *Bukhara, ethnobotany, family, species, genus, flora, folk medicine, shepherd, healer, tincture.*

### КИРИШ

Фойдали хусусиятга эга бўлган ўсимликлардан фойланиш қадимдан маълум. Айниқса, доривор ўсимликлардан фойдаланиш буюк табиб Абу Али ибн Сино номи билан боғлиқ. Ибн Сино “Тиб қонунлари” асарида 1000 турга яқин доривор ўсимликлар тўғрисида маълумотларни келтирган ва уларнинг айримларини озик оавқат сифатида фойланишни ҳам тавсия берган [2]. Ибн Сино ҳаёти давомида беморларни даволашда Бухоро вилоятида учрайдиган 450 дан ортиқ доривор ўсимликлардан фойдаланган. Ўзбекистонда доривор ўсимликлар бўйича илмий изланишлар Қ.Ҳожиматов ва О.Қ. Ҳожиматов [21; 22]. ишларида кўриш мумкин. Олимларнинг илмий изланишлари доривор ўсимликларнинг ҳалқ табобатида ва замонавий тиббиётда фойдаланилиши билан боғлиқ. Мазкур доривор ўсимликлар орасида озик-овқат сифатида фойдаланиладиган турлар ҳақида ҳам маълумотларни келтирганлар [1].

2. Тадқиқот объекти ва методлари: Тадқиқотлар Бухоро вилоятида 2019-2023 йилларда олиб борилди. Илмий изланишлар натижасида 700 дан ортиқ гербарий намуналари йиғилди. Йиғилган гербарий намуналари “Флора Ўзбекистана” [16], “Определитель растений Средний Азии” [27]. илмий манбалари билан аниқланди. Доривор ўсимликларнинг озик-овқатда фойдаланилиши тўғрисидаги тадқиқот натижасидаги маълумотлар Бухоро шаҳри ва вилоятнинг 9 та қишлоқ аҳолиси уй бекалари ва ёши кекса инсонлари билан суҳбатлашиш асосида тўпланди. Бухоро вилоятида озик-овқат сифатида кенг фойдаланилаётган 12 тур доривор ўсимликлар таҳлил қилинди. Таҳлил натижасида ўрганилаётган 33,3% доривор ўсимликлар *Amaranthaceae* оиласига мансублиги аниқланди [5].

3. Тадқиқот натижалари ва муҳокамалар: Олиб борилган илмий изланишлар натижасида Бухоро вилоятининг юксак ўсимликларидан гербарий намуналари йиғилди. Уларнинг турлари ва дориворлик хусусиятлари аниқланиб, маҳаллий аҳоли қандай мақсадларда фойдаланиши ўрганилди. Маҳаллий аҳоли озик-овқат сифатида фойдаланадиган доривор ўсимликларни нима мақсадларда фойдаланиши табиблардан

ва маҳаллаларнинг кекса инсонларидан сўраш орқали амалга ошди. Бухоро вилоятида учрайдиган доривор ўсимликлардан касалликларни даволаш билан бирга озиқ-овқат сифатида ҳам кенг фойдаланилади [5]. Аҳоли мазкур доривор ўсимликларни озиқ-овқат сифатида фойдаланиб турли касалликлар юқишини олдини олади. Ўзбекистон иқлими ва ландшафтларининг (тоғ, чўл, адир) хилма-хиллиги маҳаллий аҳолининг турли озиқ маҳсулотлари билан озиқланишига асосий омил бўлади.

Маҳаллий аҳоли қадимдан деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчилик билан шуғулланганлиги сабабли жуда кўп жисмоний меҳнат билан шуғулланган. Жисмоний меҳнат қилиш организмнинг юқори калорияли овқат истеъмолини талаб қилади. Шу сабабли аксарият аҳолининг овқати таркибида гўшт ва ёғ маҳсулотлари кўп ишлатилган. Аммо тадқиқот ҳудудининг табиий иқлим шароити ёз ойларида ҳароратнинг жуда юқори (ҳарорат +400+450 С) бўлиши, организмларни юқори калорияли маҳсулотларга (гўшт, оқсил, липид) бўлган эҳтиёжини камайишига олиб келади [5]. Шунинг учун маҳаллий аҳоли ёз мавсумида кўпроқ ўсимликлардан тайёрланган маҳсулотларни ва таомларни истеъмол қиладилар. Бу эса организмда озиқ маҳсулотларини осон ҳазм бўлиш имкониятини беради. Озиқ овқат сифатида ишлатиладиган доривор ўсимликлар таркибида витаминларнинг кўплиги ва иштаҳа очувчи озиқ сифатида маҳаллий аҳоли томонидан кундалик истеъмолда ишлатилади. Айниқса, *Allium sabulosum*, *Cyperus rotundus* – асосан ёз ва куз фаслида, *Amaranthus retroflexus*, *Chenopodium album*, *Chenopodium rubrum* – кўпроқ баҳор мавсумида, *Mentha longifolia* – йил давомида, *Capsella bursa-pastoris* – қиш ва баҳор мавсумида, *Portulaca oleracea*, *Rumex halacsyi* – баҳор ва ёзнинг дастлабки ойи, *Atriplex tatarica*, *Spinacia turkestanica*, *Taraxacum bicorne* – баҳор мавсумида истеъмол қилинади [5]. Баҳорда истеъмол қилинадиган ўсимликлар инсонларни кўпроқ витаминлар билан таъминлаб организмга куч қувват бағишлайди.

Хулоса. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, маҳаллий аҳоли томонидан истеъмол қилиб келинаётган доривор ўсимликлар асосан овқат таъмини яхшилаш ва организмда овқатнинг ҳазм бўлиш жараёнини нормаллаштиришга хизмат қилади. Бундан ташқари ушбу табиий доривор ўсимликлар инсон организмда иқлимга мослашиш, витаминлар етишмовчилигида ва айрим касалликлар профилактикасида фойдаланилади. Бухоро вилоятида олиб борилган илмий этноботаник тадқиқотлар натижасида маҳаллий аҳоли томонидан озиқбоп ва доривор ўсимликларнинг фойдаланилиши келтирилди. Ушбу ўсимликлар дориворлик хусусияти билан юқори ва қимматли озиқбоплик аҳамиятига эга эканлиги аниқланди. Уларнинг ўзига хос биологик хусусиятлари организмнинг иммунитетини кўтариши, витаминлар билан таъминланиши турли касалликларни олдини олади ва ҳимоя қилади. Бу турлар Ўзбекистон айниқса, Бухоронинг иссиқ иқлим шароитида организмни турли касалликларга қурашувчанлигини оширади.

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. Abdiniyazova G.J., Khojimatov O.K., Pak V.V. Some wild growing plants in traditional foods of Uzbekistan *Journal of Ethnic Foods*. Elsevier 2 (2015). – P. 25-28.
2. Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. I жилд Ташкент, 1994. Б.183-289.
3. Khojimatov K.Kh., Khojimatov O.K., Собиров У.А. Сборник правил пользования объектами лекарственных, пищевых и технических растений. Ташкент: «Янги аср авлоди», 2009. – 171 с.
4. Esanov H.K., Kechaykin A.A. *Duchesnea indica* (Andrews) Teschem. (Rosaceae Juss.) – New adventive species to the flora of the republic of Uzbekistan // *Acta Biologica Sibirica*, – Барнаул, 2016. – Т. 2., – №4. – С. 84–89.
5. Haydarovich, E. A., & Kurbanovich, E. H. (2022). Ethnobotanics of Certain Medicinal Plants of Bukhara Region (Uzbekistan). *American Journal of Plant Sciences*, 13(3), 394-402.
6. Haydarovich, E. A., & Kurbanovich, E. H. (2022). Ethnobotanics of Certain Medicinal Plants of Bukhara Region (Uzbekistan). *American Journal of Plant Sciences*, 13(3), 394-402.